

ЎЗБЕК КИНОСИДА ҚАҲРАМОН ЯРАТИШ МАСАЛАСИДАГИ РЕЖИССЁРЛИК ИЗЛАНИШЛАРИ

<https://doi.org/10.70728/orien.v07.i02.061>

С.Мардаева

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Аннотация: Мақолада ўзбек режиссёрларининг кинода қаҳрамон образини яратиш жараёнида учрайдиган муаммолари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва замонавий кино қаҳрамон яратиш борасидаги изланишлари илмий таҳлилга тортилади.

Калит сўзлар: кино, режиссёр, қаҳрамон, актёр, образ, давр, жанр, адабий асар, характер

DIRECTORIAL RESEARCH ON THE ISSUE OF CREATING A HERO IN UZBEKISTAN CINEMA

S.Mardayeva

Uzbekistan State Institute of Arts and Culture

Abstract: The article analyzes the problems of Uzbek directors in creating heroes in cinema, comparing them with the heroes of films created in the pre-independence and post-independence years, revealing the problems and achievements.

Keywords: film, director, hero, actor, image, era, genre, literary work, character

Ўзбек киносининг тарихан жамият маънавий қиёфаси ва кадриятларини шакллантиришдаги ўрни бекиёс. Ўтган йиллар мобайнида яратилган ҳар бир фильм ўз қаҳрамони ва образлари орқали яшаркан, у томошабин қалбига йўл очадиган ва фильм ғоясини етказувчи асосий кўприк вазифасини ҳам бажаради. Жумаладан, ўзбек киносидаги Алишер Навоий, Отабек, Кумуш, Фармонбиби, Қўчқор ака, Аломат, Жасур каби қаҳрамонларни тилга олишимиз билан кўз ўнгимизда мутафаккир олим, меҳрибон она, севгисига садоқатли ёр, меҳнаткаш ўзбек эркак ва аёли, қўрқмас Ватан посбонлари гавдаланади. Улар дунё миқёсидаги кино фестивалларда ўзбек деган миллатни, унинг урф-одатлари, ижтимоий менталитетини дунёга танитишга сабаб бўлгани рост.

Бироқ, бугунги тез ўзгараётган медиа муҳитида ушбу кўприк баъзан мустаҳкам қурилмаётганини кузатиш мумкин. Айрим драматик асарларнинг саёзлиги, киносценарийда образнинг характери тўлиқ очилмаганлиги ва кўп

холларда биографик тарихи шаклланмаганлиги, режиссёрнинг актёрга тўғри вазифа ва ижодий юк қўёлмаётгани туфайли қаҳрамонлар бир-бирига ўхшаб қолётганини таъкидлаш жоиз. Томошабиннинг диди ва тафаккури ўзгараётган пайтда, режиссёр олдига қўядиган асосий вазифа - замон талабига мос, психологик жиҳатдан мукаммал қаҳрамон образини яратишдан иборат. Аммо бу жараёнда ижодкорларда драматургик шаблонларга тушиб қолиши, бадиий изланишлар етишмаслиги, ижтимоий - маиший менталитет ва экран талқини ўртасидаги мувозанатни топишда фикрий ялқовликни кузатиш мумкин.

Кино санъатида қаҳрамон - нафақат воқеалар марказдаги асосий персонаж, балки маънавий ва эстетик юзи ҳамдир. Унинг характери, хатти-ҳаракатлари ва дунёқараши орқали режиссёр томошабинга олдига қўйган ғояни етказишга интилади. Шунинг учун кинематографияда қаҳрамон типларини таҳлил қилиш фильмнинг тағмаъносига яширинган фикрни очишда муҳим аҳамият касб этади. Одатда қаҳрамон типологияси жанр, давр, режиссёр услуби, миллий менталитет ва ижтимоий муҳит каби кўп омилларига боғлиқ бўлади. Драма жанрида аксарият холларда қаҳрамон ички зиддият ва руҳий изтироб билан курашади. Режиссёр Аюб Шахобиддиновнинг “Ўтов” фильми бош қаҳрамони Убойдуллони келтириш мумкин. Актёр Нозим Тўлахўжаев қаҳрамонни ички кечинмаларини томошабинга тўлақонли етказиб бериши билан шу образда яшагани томошабинлар кўз олдида каттиққўл ота сиймосида мухрланиб қолган. Комедия жанрида эса қаҳрамон ҳаётни енгил ва хазил билан қабул қилинса, фантастикада у янги оламни кашф этувчи илмий ёки фалсафий қаҳрамонга айланади. Драматург Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” асари асосида режиссёр Исмаил Эргашевнинг шу номли фильми айнан комедия ва фантастик жанрига мансуб бўлиб, режиссёр қаҳрамонларнинг ички руҳий изтиробларини ва яшаш турмуш тарзини сатира ва юмор орқали очиб берганини кўриш мумкин. Фильм фантастик жанрда бўлишига қарамай бош қаҳрамонлар Қўчқор ака ва Аломат томошабиннинг ҳаётий муаммоларига яқин бўлгани боис ўзига ишонтирилган.

Уруш мавзусидаги фильмларда қаҳрамон жасорат ва фидоийлик рамзига айланади. Режиссёр Шухрат Аббосовнинг “Сен етим эмассан” фильмида айнан уруш сахналари тасвирланмаган бўлса-да, фронт орти ҳаётини тошкентлик темирчи Шомахмуд Шоаҳмедов ва унинг рафиқаси Баҳри Ақромоваларнинг образида совуқ урушнинг аянчли кўриниши қаҳрамонлар сиймосида аксини топган. Фильмдаги қаҳрамон образини мукаммал яратиш борасида ижодкорлар - режиссёрдан тортиб то техник ходимгача катта меҳнат қилади. Бунда энг маъсулиятли иш режиссёр ва актёр зиммасига тушади. Чунки аввало қаҳрамонга ташқи ва руҳан яқин бўлган актёр танлаш режиссёр ва операторнинг маҳоратига боғлиқ. Масалан, Комил Ёрматов ўзининг “Кечмишларим” китобида қаҳрамон танлаш жараёнини шундай тасвирлаган: “Хусайн Бойқаро ролини камбағал

оиласида дунёга келган, унчалик саводи ҳам чикмаган, аммо туғма истеъдод эгаси бўлган Асад Исматовга топширдим. Унинг қобилиятига шунчалик ишончим комил эдики, бу ролга ундан бошқа ҳеч кимни танлаб ҳам ўтирмадим. Навоий ролига эса, ўзининг ўткир зеҳни, аристократик қиёфаси, теран заковати ва юксак сахна маҳорати билан кўзга ташланиб турувчи ёш артист Раззоқ Ҳамроевни таклиф қилдим.



Раззоқ Ҳамроев (“Алишер Навоий” фильмидан Алишер Навоий образи)

Экранда буюк Алишернинг ғоятда иқтидорли ва ўта порлоқ образини яратишда Ҳамроевга унинг филолог эканлиги, бинобарин, шоирнинг ҳаёти ва ижодини махсус ўрганганлиги ҳам катта ёрдам берди. Проба олинадиган биринчи съёмка учун дабдурустан ҳақиқий декорация курдик. Бу “Ҳусайн Бойқаронинг оромгоҳи” эди. Бу ерда мен икки дўст - Алишер билан Ҳусайннинг видолашув сахнасини суратга олдим. Бу ниҳоятда драматик эпизод бўлиб, персонажларнинг руҳий кечинмаларидаги мураккаб ўзгаришлар билан йўғрилган эди. Исматов ҳам, Ҳамроев ҳам бениҳоя зўр ижро этишди ўз ролларини! Кейинчалик, бу “проба” ҳеч қандай ўзгаришларсиз картинага монтаж қилинди.”¹ Демак ўринли ва тўғри танланган актёр фильмнинг муваффақиятини таъминлаши тайин.

Кўпчиликнинг эсида қоларли қаҳрамонлар ўзига хос характери, томошабинларга қадрдон бўлиб қолган қиёфаси туфайли уларнинг ҳар бир сўзлари халқнинг кундалик турмушига сингиб кетган. Шундай қаҳрамонлардан бири - Хўжа



Л.Н.Свердлин (“Насриддин Бухорода” фильмидан Насриддин образи)

¹ К. Ёрматов “Кечмишларим” 1984 йил. 189 – бет.

Насриддин образи бўлиб, киношунос олим Ҳамидилла Акбаровнинг “Наби Ғаниев” номли китобида режиссёрнинг қаҳрамон яратишдаги қўйидагича таърифлайди. “Насриддин Бухорода” фильми устида қизгин иш бошланди. Яков Протазановнинг бадиий советдаги сўзини эшитган Набижон халқ қаҳрамони ҳақидаги латифаларни қайта-қайта ўқишга, кино нуқтаи назаридан ўрганишга киришди. Ниҳоят фильмга сўнгги сайқал берилади. У экран сари йўл олади.

Кинокомедияни илк марта томоша қилган Фарход ГЭСи курувчилари бўладилар. Ижодий группа оғир дамларда бунёдкорлик ишларини олиб бораётганлар орасида бўлади... Сеанс тугагач, Лев Наумович Свердлов чопон, дўппи, этикда эмас, европача кийимда саҳнага чиққанда уни танимадилар. Актёр қўлига чилдирма олиб чертганида ва Насриддиннинг ашуласини айтганида бирданига қарсак бошланиб кетди.”² Демак, режиссёрнинг тўғри қўйган вазифаси, актёр ўз образини қаҳрамон даражасига олиб чиқиши йиллар ўтсада Афандининг халқ орасида яшаб келаётганининг исботидир. Мустақиллик даври ўзбек киносида янги босқич бошланди. Бу даврда миллий кино ғоявий ва мафкуравий жиҳатдан тубдан янгиланди. Аввалги совет мафкураси таъсирида яратилган қаҳрамон типи ўрнини мустақил дунёқарашга эга шахс образи эгаллай бошлади. Эндиги кино қаҳрамонининг асосий вазифаси - миллат руҳияти, халқнинг ўзига хослиги, маънавий қадриятларини ифода этишдан иборат бўлиб, у халол меҳнат, садоқат, инсонийлик, оилапарварлик каби кучли фазилатларни ифодалай бошлади. Масалан, қаҳрамон - тадбиркор, Ватан посбони, камбағал оиладан чиққан меҳнатсевар йигит ва ёки турли оқимларга алданиб, пушаймон бўлган инсон қиёфаси. Шу ўринда мустақиллик йилларида яратилган “Лафз”, “Эркак”, “Муҳаббат синовлари”, “Телба”, “Кечиккан ҳаёт”, “Ўтов”, “Алданган аёл”, “Сотқин”, “Жасур”, “18-квадрат” каби бир қатор фильмларни мисол тариқасида келтириш ўринли. Юқорида номлари тилга олинган фильмлардаги қаҳрамонлар мустақилликка ўтиш давридаги қийинчиликларда синалган, тобланган, янгиликка интиланган, баъзилари янгиликка қўл уришга иккиланган, адашган инсон тақдирини акс эттирган.

Замонавий қаҳрамонни ўта даражада идеаллаштириш, уларни комил инсон қиёфасида кўрсатиш, саришта, сочлар турмакланган, қош-кўзларига хатто уйқуда ёки уй ишлари билан машғул пайтда ҳам пардозда бўлиши, зебу-зийнатга бурканган актёрни томошабин қабул қилишга қийналиши шубҳасиз. Томошабинни назарида бугунги куннинг қаҳрамони оддий инсон, барча каби ҳато қилиши, адашиши ёки кимнидир ҳафа қилиши, қаттиқ гапириш ва ҳаттоки уришиши, ўзини ҳимоя қилиши мумкин бўлган қаҳрамондир. Кинодаги образга ишонмаслик айниқса тарихий ва уруш даври тасвирланган фильмларда яққол кўзга ташланмоқдаки, очлик ва танглик даврни кадрларга муҳрлаётган режиссёр

² Ҳ. Акбаров “Наби Ғаниев. Ажойиб кишилар ҳаёти”. 1983 йил. 106 – бет.

актёр танлашда қўпол хатоларга йўл қўйилаётганини кўриш мумкин. Масалан, уруш давридаги эркак қаҳрамонларни гавдалантираётган актёр тасвирланаётган давр муҳитига зид: тўладан келган (ҳозиргина чойхонадан чиқиб келган бойга ўхшайди) кўринишга эга. Ваҳолангку у мавжуд қийинчилик туфайли бир кун қорни тўқ бўлса 5-6 кун иссиқ овқат емаган озгин, этлари суягига ёпишиб кетган бўлиши керак эмасми?! Эридан ёки боласидан қора хат олган пуштипар аёл ўчоқнинг ўтидан киприк ва қошлари куйиб кетган, деҳқончиликдан оппоқ қўллари қавариб, тирноқларининг тагига кирлар йиғилган образ учун улама киприклар, юзи кип-қизил олмадек, лаблари чизилган гилосдек, қўллар оппоқ, хаттоки тирноқларгача пардозланган актриса танланаётганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Бундай образни яратаётган актёр ёки актрисани йирик планларда тасвирга олиниши албатта томошабинни фильм воқеаларига ишонмасликка ва қаҳрамонни қабул қила олмасликка олиб келиши тайин.

Баъзан фильмлардаги иккинчи даражали персонаж асосий қаҳрамондан тўлақонли тасвирланса, ўз - ўзидан асосий қаҳрамон заиф кўринишга келиб қолади. Қаҳрамонларнинг бугунги қиёфаси сунъий равишда идеаллаштириб юборилаётгани, халқчил, томошабинга руҳан яқин қаҳрамон қиёфасининг бузилиши туфайли экранни сохта ва носамимий характерли қаҳрамонлар эгаллаётгани ачинарли хол.

Демак, адабий асарнинг бадиий жиҳатдан мукамаллиги, режиссёрнинг актёрга тўғри вазифа бериши ва ижодий юк қўйиши ҳамда актёрнинг шу образ устида изланиши, унга топилмалар топиши тўлақонли қаҳрамон образини яратилиши учун асос вазифасини ўташи тайин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. К. Ёрматов “Кечмишларим” Гофур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.
2. Ҳ. Акбаров “Наби Ғаниев. Ажойиб кишилар ҳаёти”. Тошкент. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий комитети “Ёш гвардия” нашриёти, 1983й.
3. Э. Ф. Исмоилов “Маннон Уйғур ҳаёти ва ижоди”. Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983
4. М. Маҳамедов “Умр лаҳзалари. Режиссёрнинг ҳаёт кечинмалари”. Тошкент. Адабиёт учқунлари нашриёти, 2018
5. О. Д. Павлова Магистерская диссертация “Образ героя в отечественных кинофильмах на экране Московского международного кинофестиваля 2000-2024 гг”. 2024